Иқтисодий судларда буйруқ тартибида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари.

ИПКнинг 135-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда якка тартибда берилади, агар:

1) солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;

2) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса;

3) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;

4) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса;

5) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекс 5-моддасининг биринчи, олтинчи қисмлари, 136 — 147-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги 4-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим

масалалари тўғрисида» ги 254-сонли Қарори.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекс 5-моддасининг биринчи, олтинчи қисмлари, 136 — 147-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли Қарорининг 3, 4-бандлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 254-сонли Қарорининг 4-банди.

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг кўчирма нусхасини топшириши шарт.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135, 136-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 254-сонли Қарорининг 9-банди.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

1) давлат божи ҳамда почта харажатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини;

2) суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга топширилганлигини;

3) талабга асос бўлган ҳолатларни.

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага:

1) истеъмолчи билан тузилган шартноманинг;

2) қарздор тан олган қарз юзага келган давр кўрсатилган қарз ҳисоб-китобининг;

3) пеня ҳисобланиши тўғрисидаги ва истеъмолчини тегишли коммуникация тармоқларидан узиш ҳақида огоҳлантириш кўрсатилган, қарзни узиш тўғрисидаги талабнинг;

4) истеъмолчини тегишли коммуникация тармоқларидан узиш ҳақидаги ёхуд етказиб беришни технологик ёки авария захираси даражасигача чеклаш тўғрисидаги далолатноманинг кўчирма нусхалари илова қилинади.

Агар суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза кредиторнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, аризага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 136, 142-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 254-сонли Қарорининг 7.1 — 7.6-бандлари.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилинганда низолашилаётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135, 136, 138-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли Қарори.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135 — 138, 140, 154-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли Қарорининг 24-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 254-сонли Қарорининг 21-банди.

Қарздор кредиторнинг талабларига қарши эътирозини суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси унга топширилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда судга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли.

Қарздорнинг эътирозни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135 — 138, 140, 141-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли Қарори 10-бандининг биринчи хатбошиси, 21-бандлари.

Суд буйруғи судья томонидан суд муҳокамасисиз, кредитор ва қарздорни чақиртирмасдан, уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан якка тартибда берилади.

Суд буйруғи кредитор томонидан аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга топширилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач берилади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135 — 142, 144 — 147-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-

сонли Қарорининг 14-банди.

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини беришни рад этади, агар:

1) қарздор билдирилган талабга қарши эътироз тақдим қилган бўлса;

2) ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низо тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобланса.

Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талабни даъво тартибида тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135, 138, 140, 142, 143-моддалари.

LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли Қарорининг 14-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.12.2013 йилдаги «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 254-сонли Қарорининг 13, 15.1-бандлари.

Суд буйруғи у берилганидан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга ва у суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ижро этилиши лозим.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Кодекснинг 135, 138, 140, 142, 144-моддалари.

Агар қарздор узрли сабаб билан ўз вақтида кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Суд бундай ҳолда буйруқни бекор қилишга ҳақли, шундан кейин кредиторнинг талаби даъво ишини юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий судларда буйруқ тартибида иш юритиш иқтисодий низоларни тезкор ва самарали ҳал қилиш имконини беради. Ишни буйруқ тартибида юритьиш тарафлар учун ҳам вақтни тежайди, ҳам ортиқча

харажатларни қисқартиради, бу эса тартибни амалда янада афзал қилади.

Шеробод туманлараро иқтисодий

судининг судьяси **Т.Р.Жаббаров**